

**ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МИФОЛОГЕМЕЛАРНИНГ СТРУКТУРАВИЙ
КЛАССИФИКАЦИЯСИ**

(Қадимги юонон мифологияси мисолида)

Тошхўжаева Н. М.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университети

Магистратура 2 босқич талабаси

Аннотация

Ушбу мақола лексиканинг муҳим қатламларидан бирини ташкил этувчи бирликлар – мифологемалар структуравий классификацияси муаммоларига бағишиланган. Муаллиф миф ва мифологема атамаларига изоҳ бериш билан бирга, уларнинг концептуал аҳамияти ва олам манзарасининг шаклланиншида тутган ўрни ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади. Тадқиқот натижасида мифологемаларнинг оддий, ясама, қўшма сўз, сўз бирикмаси, фразиологик бирлик ва иқтибос шакллариидаги ўзига хос структуравий классификацияси ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: лексик сатҳ, миф, мифологема, лингвомаданият.

Аннотация

Данная статья посвящена проблемам структурной классификации мифологем, составляющих лексические уровни языка. Наряду с объяснением терминов миф и мифологема, автор также приводит сведения об их концептуальной значимости и роли в формировании картины мира. В результате исследования была разработана уникальная структурная классификация мифологем в виде простого, производного, сложного слова, словосочетания, фразеологической единицы и цитаты.

Ключевые слова: лексический уровень, миф, мифологема, лингвокультура.

Abstract

This article is devoted to the problems of structural classification of mythologemes, which constitute lexical levels of the language. Along with explanation the terms myth and mythologeme, author also provides information about their conceptual importance and role in the formation of the world view. As a result of the research, a unique structural classification of mythologems in the forms of simple, derived, compound word, word combination, phraseological unit and quotation were investigated.

Keywords: lexical level, myth, mythologeme, linguaculture.

Миф атамаси турли тадқиқотчилар томонидан турлича талкин қилинади ва хозирги кунга қадар ушбу атама учун ягона таъриф мавжуд эмас. Бир қатор олимлар, масалан С.С.Аверинцев мифни “қоидага биноан, жамоавий-ижтимоий тасавурни шакллантирувчи, воқеъликни шартли эҳтиросий рамзларда ифодалановчи гиперреалистик англаш дея тушунтиrsa, Е.М. Мелитинскийнинг миф – бу “илохлар, рухлар, илохийлаштирилган ёки келиб чиқиши илохларга боғлиқ бўлган қаҳрамонлар, илк аждодларимиз ҳакидаги ривоятлардир...”¹ дея таъкидлайди. Г.И. Исинанинг изланишларида эса “Миф дунёнинг мифологик суратининг таркибий қисми сифатида воқеликнинг мустақил ҳодисалари ҳисобланган ҳиссий визуал тасвиirlар ёрдамида воқеликни яхлит оммавий тажриба ва талқин қилиш шакли эканлиги, миф уйғун ва мутаносиб бўлиб унда табиийлик ва ғайритабиийлик, объективлик ва субъективлик чегараси мавжуд эмаслиги”² ҳакидаги асосли фикрлар келтирилади. Шунингдек А.А.Потебнянинг “тасвир ва мазмун ўртасидаги боғлиқлиги фандаги каби илмий исботланмасада, ишончли ва тўғридан-тўғри эътиқодга қабул қилинадиган оғзаки асар”³ каби таърифлардан англашилади, мифлар асрлар оша яшаб келаётган, инсон дунёқарашига кучли таъсир этувчи, ички ва ташки тасавvuри ҳадсиз ва илмий асосларга эга эмаслигига қарамай ишонтириш даражаси ўта юқори бўлган оғзаки асотирлардир. Таникли файласуф ва мифлар тадқиқотчиси М. Элиаде XIX аср олимлари мифни ўзига замондош бўлган ғарб олимлардан фарқли англаганникларини таъкидлайди, яъни англашилган атама улар наздида ҳаёлот, инсон тасавvuри маҳсули, қандайдир илк ихтиро каби бўлган. Диншунослар, этнографлар ва социологлар ҳам мифни худди шундай тушунадилар. Даставвал миф воқеликнинг бир тури, “ҳақиқат, ҳақиқий воқеа” ва энг асосийси, муқаддас, аҳамиятли ва ўрнак бўладиган воқеа сифатида тушунилган”. Ушбу тушунчани турли нуктаи назарлардан бирдай ифодалаб бера оладиган универсал формула мавжуд эмаслигини таъкидлар екан, Элиаде куйидагича таърифни таклиф қиласди: “...миф муқаддас тарихдан садо беради, “барча ибтидолар ибтидоси” даврида юз берган унүтилмас ҳодисалардан ҳабардор қиласди”⁴. Бундай фикрларнинг пайдо бўлиши инсон қандай ҳодисалар таъсирида ҳозирги холатига келиб қолганини тушуниб етишга кўмаклашади. Яъни мифлар нафақат нарса ва ҳодисаларнинг қандай пайдо бўлганлиги ва уларнинг қандай ишлаши балки табиат ва атроф-муҳитнинг индивиднинг шахс сифатида такомиллашувида тутган урни ҳақида ҳам дарак беради. Санъат, фан, фалсафа ва диннинг илк элементлари мифларда ўз аксини топади⁵ Мифларнинг ҳаётий зарурияти ва аҳамияти ҳам шундадир.

Лингвистик тадқиқотим учун эса мифларнинг вербаллашуви алоҳида аҳамиятга эга. «Мифологема» тушунчасини Ж.Ж. Фрейзер биринчи марта илмий фойдаланишга

¹ Варламова В.Н Лингвистические особенности мифологемы в художественном тексте Вопросы методики преподавания в вузе, 2016

² Исина Г.И. Мифологема как составляющая картины мира в контексте современности Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований, 2015

³ Варламова В.Н. Лингвистические особенности мифологемы в художественном тексте. Вопросы методики преподавания в вузе, 2016

⁴ Элиаде М. Аспекты мифа. – М.: Академический Проект, 2010

⁵ Галиева М.Р. Концептуальная Значимость Мифологемы В Художественном Тексте. Грамота 2011

киритган. Тилшуносликда ҳар қандай мифологик ҳодисанинг тилда намоён бўлиши мифологема деб аталади. Фикримизнинг исботи сифатида қуида бир қанча илмий мулоҳазаларни кўриб чиқамиз, масалан Г.И. Исина мифологемалар лисоний онгнинг мазмунли бирлиги, муайян этник гурухнинг миллий хотирасида сақланаётган жамоавий онгсизлик маҳсули бўлиб, уларнинг муайян миллий маданиятдаги эволюцияси дунёнинг лингвистик тасвиридаги намоёнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради,⁶ дейди. Маслова мифологемаларнинг асосий турларини миф учун аҳамиятли қаҳрамон ёки воқеа билиб, улар мифдан мифга кўчиш хусусиятига эга деб тушинтиради⁷ Бизнингча мифологемаларнинг бу таърифи жуда қисқа ва у ҳақидаги барча тасаввурларни қамраб ололмайди, сабаби мифологема фақатгина воқеа ва қаҳрамонлардан иборатгина бўлиб қолмай, балки нарса ва буюмлар ҳам унинг таркибини ташкил қиласи, масалан, Арго кемаси, Пандорра қутиси, Олтин мўйна ва ҳ.к. Агар мифлар маълум бир ҳалқ маданий қадриятига тегишли бўлса, у ҳолда мифнинг ҳар бир ташкилий қисми қадрий аҳамиятга эга. Чунки мифологема инсонга муайян ижтимоий ва маданий ҳолатга мос дунёқарашиб, фикрлашиб, тарбия ва ҳулқ-автор беради. Масалан, ватан учун курашиб, ҳимоясиз инсонга ёрдам беришиб, максадга содиқлик, вафодорлик қаби тушунчалар Гектор, Персей, Ясон, Пенелопа мифологемалари воситасида англашилади. Лингвистик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, олам манзараси кишининг дунёқарашиб тил ва тил бирликлари ёрдамида лексик сатҳда воқеъланибгина қолмай, унинг оламни идрок этишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Турли тиллар ўзига хос луғат ва тузилишга эга бўлиб, бу кишилар борлиқни қай тарзда идрок этаётганинг кўрсаткичидир. Мисол ўрнида, инглиз тилида биргина "snow" сўзи билан ифодаланган тушунчанинг, эскимо тилида кўплаб сўзлар билан ёритилиши бу ҳалқларнинг қор ҳақидаги лингвомаданияти ҳам бир-биридан кескин фарқ қилишини кўрсатади.⁸ Демак, лексик сатҳ инсон дунёқарашиб ва борлиқ ҳақидаги барча тасаввурлари жам бўладиган "майдон"дир. Ҳар қандай олам манзарасининг намоён бўлиш маркази ҳам лексикадир, сабаби тил сўзловчиларнинг билим ва тажрибаларни ташувчи ва сақловчи омилдир.⁹ Бундан англашиладики, инсон ва олам ўртасидаги муносабатларни англатувчи асосий тушунча - Олам манзараси деярли барча сфераларда бир-биридан кескин фарқ қиласи, яъни айнан бир мантиқий дунёқарашиб асосига тузилган ёндашув тарихий, миллий, ижтимоий йўналган бўлади. Бунда қанча дунёқарашиб бўлса, шунча олам манзараси мавжуд, сабаби инсон оламни ўз тажрибасига таяниб қабул қиласи ва тасаввур этади.

Лексик сатҳ тилнинг энг муҳим сатҳларидан ҳисобланади, чунки унда барча билимлар, инсоний тажрибалар, ижтимоий ўзгаришлар доимий равишда ўз аксини топиб боради. Ушбу сатҳ ўзига барча тил бирликлари муаммоларини жамлаган ва уларни тизимли ёндашув воситасида ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Лексик сатҳ тасвирида, сўзлар орасидаги турли муносабатлар уларни яккалашиб орқали эмас, балки

⁶ Исина Г.И. Мифологема Как Составляющая Картины Мира В Контексте Современности Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований, 2015

⁷ Маслова В.А Лингвокультурология уч.пос 3-е издание М.: Академия 20076

⁸ Ашурова Д.У., Галиева М.Р Cultural linguistics. Tashkent, 2019

⁹ Галиева М.Р Теолингвистика: истоки, направления, перспективы. Ташкент: VneshInvestProm, 2018

тизимли равища бирлаштириш орқали ўрганилади, яъни сўзнинг асл ҳусусиятлари унинг ўзи билан бир сатҳда лексик-семантик маъно касб этувчи бошқа сўзлар билан ўрганилганда гина қисман ёки тўла намоён бўлади. Бу сатҳнинг асосий бирлиги сўздир, зеро бизни қуршаб турган борлиқнинг кўпкиррали ҳодисалари сўз воситасида ифодаланади. Албатта ҳаётимизда ушбу ҳодисаларни ифодаловчи рассомчилик, мусиқа, ҳайкалтарошлиқ каби бошқа воситалар ҳам бор, аммо уларнинг ҳеч бири инсон билим тузилмаларини ва борлиқдаги воқеъликни сўзчалик ёрқин ифодалай олмайди. Сабаби сўз нарсаларни номлайди ҳамда улар ҳақида тушунча ҳосил қилувчи лексик маънога эга. Нарса, белги, ҳодисаларниг инсон онгидаги жамланган ҳусусиятлари сўзнинг лексик маъносига ўз аксини топади. Сўзнинг лексик маъносига тилнинг муҳим жиҳати бўлиб, инсонлар орасидаги мулокат ва англашувнинг асосий воситаси дар. Шундай экан, лексик маъно контекстни ва сўзнинг маданий коннотацияларини ҳисобга олган ҳолда сўзни тушуниш ва маъносини талқин қилишга ёрдам беради. Сабаби айни сўз турли турли вазиятларда турли маъноларни касб этади. Мисол ўрнида “muse” сўзи деннотатив жиҳатдан Юнон мифологиясидаги санъат ва адабиётга ҳомийлик қилувчи тўқиз опасингилдан бирини англатса, коннататив жиҳатдан “илҳом манбаи”, “ёш ва гўзал аёл” каби маъноларни ҳам англатиши мумкин.

Лексикадаги ўзига ҳос қатламлардан бири бу мифологик дунёқарашни тилга кўчирувчи бирликлар, яъни мифологемалардир.

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра мифологемаларни структуравий жиҳатдан қўйидаги турларга таснифладик:

- 1) **оддий** – бир ўзакдан иборат сўзлар: *centavr-кентавр, пурпур-нимфа, satyr-сатира,..*
 - 2) **ясама** – бир ўзакли сўзга аффикс қўшилиши натижасида ясалган сўзлар бўлиб, уларга *narcissism-нарцисизм, plutocracy-плутархия, hymenia-жирканч*.
 - 3) **қўшма сўзлар** – икки содда сўздан иборат: *areocentric-ареоценртчилик,.harpy eagle-ҳарпи бургути*
 - 4) **сўз бирикмаси** - *pan-pipe-пан труба, hermaphrodite-гермофродит, aurora-australis-ишу номли гул*
 - 5) **фразиологик бирлик** – яхлит маъно англатувчи сўз бирикмалари: *Medusa's gaze-ўтқир кўзли, Achilles' heel-нозик нуқта, the apple of discord-жанжалнинг уяси*
 - 6) **цитата – иқтибос**, ҳар қандай матн ёки баёнотдан, ибора ёки оддий жумладан матннинг таъсирчан парчасигача бўлган аниқ сўзма-сўз кўчирма:
- "Beware of Greeks bearing gifts" – Троя жанги ҳақидаги афсоналардан келиб чиқсан бўлиб, Троя оти назарда тутилади.

Иzlaniшларимиз шуни кўрсатадики, тилшуносликда ҳар қандай мифологик ҳодисани тасвирловчи тил бирлиги мифологема бўла олади.

Мифологемалар структуравий жиҳатдан оддий сўзлар, ясама сўзлар, қўшма сўзлар, сўз бирикмалари, фразиологик бирлик ва иқтибос (цитата) каби турларга ажратилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ашурова Д.У., Галиева М.Р Cultural linguistics. VneshInvestProm Tashkent, 2019
2. Варламова В.Н Лингвистические особенности мифологемы в художественном тексте Вопросы методики преподавания в вузе, 2016
3. Галиева М.Р. Концептуальная Значимость Мифологемы В Художественном Тексте. Грамота 2011
4. Галиева М.Р Теолингвистика: истоки, направления, перспективы. Ташкент: VneshInvestProm, 2018
5. Исина Г.И. Мифологема как составляющая картины мира в контексте современности // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований, 2015
6. Маслова В.А Лингвокультурология уч.пос 3-е издание М.: Академия, 2007
7. Элиаде М. Аспекты мифа. – М.: Академический Проект, 2010